

# РАСМИЙ МУНОСАБАТ



**Термиз туман ҳокимлиги “Facebook” ижтимоий тармоғидаги “Халқ назорати” гурухыда эълон қилинганды “Учқизил” маҳалласида яшовчи фуқарога ёрдам күрсатылмаётганлиги ҳақидаги пост юзасидан қуийдагиларни маълум қиласиди:**

Тасвирда күрсатылған ҳолат туман ҳокимлиги ва “Учқизил” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан үрганиб чиқылди. Фуқаро Хасанов Хусан турмуш ўртоғи ва уч нафар фарзанди билан Термиз тумани “Учқизил” маҳалласида истиқомат қилиб келади. Хасанов Хусан З-гурух ногирони, 0,12 сотих томорқаси мавжуд бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинида кам таъминланған оиласалар рўйхатида турмайди. Оиласи боқимандаликдан чиқариш мақсадида бир қатор ишлар амалга ошириб келинганди.

Турмуш ўртоғи туман ҳокимлиги, З-Сектор ва маҳалла томонидан бандлигини таъминлаш мақсадида худуддаги паррандачилик фермаси, иссиқхона ва бошқа ишларга жойлаштирилган. Лекин, фуқаро ушбу иш ўринларида ишламасдан келмоқда. Фарзанди туман Ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлаштирилган ва хозирда ишлаб келмоқда.

Оиласа туман ҳокимлиги, З-Сектор ва бошқа идоралар томонидан доимий ёрдам күрсатыб келинганди. Жумладан, 2018 йилда оиласининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида майший техника – газ плитаси ажратиб берилган. Аммо, кейинчалик Хасанов Хусан ушбу газ плитани сотиб юбориб, маблағни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган. Пандемия вақтида вилоят ИИБ, бошқа идоралар ва “Саховат ва кўмак” туман жамғармаси ҳамда бошқа ҳомийлар томонидан 2020 йил давомида З маротаба, 2021 йилда 1 маротаба 12 турдаги озиқ-овқта маҳсулотлари оиласа етказиб берилган. Бундан ташқари, З-Сектор раҳбари томонидан оиласа қурилиш қилиш учун ёрдам сифатида “Зил” юк машинасида тупроқ уйига олиб бориб берилган.